**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**БАБАХАНОВА ДИНАРА САФИУЛЛАЕВНА**

# БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИДА СУТ БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ УЛЬТРАТОВУШ СКРИНИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**
**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**УЎК: 618.19-006.6-036-073.43:614.2**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бабаханова Динара Сафиуллаевна**
Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш скринингини ташкил этишни такомиллаштириш ........................................................................ 3

**Бабаханова Динара Сафиуллаевна**
Совершенствование организации ультразвукового скрининга заболеваний молочной железы в учреждениях первичной медико-санитарной помощи ................................ 27

**Babakhanova Dinara, Safiullevna**
Improving the organization of ultrasound examination of breast diseases in primary healthcare system …..................................................................................…… 51

**Эълон қилинганишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ……………………………………………………... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**БАБАХАНОВА ДИНАРА САФИУЛЛАЕВНА**

# БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИДА СУТ БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ УЛЬТРАТОВУШ СКРИНИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**
**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2943 рақам рўйхатга олинган.**

Диссертация тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбарлар:** | **Ибрагимов Азиз Юлдашевич**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| | **Мамадалиева Яшнар Мамасолиевна**<br>тиббиёт фанлари доктори |
| **Расмий оппонентлар:** | **Шарипова Мадина Каримовна**<br>тиббиёт фанлари доктори |
| | **Юсупалиева Гулнора Акмаловна**<br>тиббиёт фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот** | **Самарқанд давлат тиббиёт унверситети** |

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил « __ » __________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шахри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шахри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-06.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _________________________ куни тарқатилди.

(2024 йил «____» _____________________________ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

**М. Н. Тилляшайхов**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А. А. Адилходжаев**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда онкологик касалликлар аҳоли орасида юқорида даражада тарқалганлиги ҳисобига ижтимоий аҳамиятга эга гуруҳга тааллуқли бўлиб, юқори ўлим ҳамда катта иқтисодий йўқотишларни ўз ичига олади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «....10 миллион инсонлар бир йилда онкологик касалликлардан вафот этади, бу дуёндаги ўлим даражасининг 1/3 қисмини, ўнта кенг тарқалган саратонда 60% янги ҳолатлар ва 70% ўлим ҳолатини ташкил қилади. Олимларнинг баҳолашича 2040 йилда онкологик касалликларнинг янги ҳолатлари ҳар йили 47% ошиб, 28,4 млнга етади....»[1]. Касалликнинг бу гуруҳини замонавий ташхислаш ва даволаш усулларидан фойдаланиб, ўз вақтида аниқлаш бугунги кунда хал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Хавфли ўсмаларда иқтисодий йўқотишга даволаш ва реабилитацион тадбирлар нархининг юқорилиги, давомийлиги, кўпинча қайтариб бўлмайдиган иш фаолиятини йўқотиш, ижтимоий таъминот ва суғурта учун катта харажатлар сабаб бўлади. Касалликнинг худудий хусусиятлари, шунингдек, онкологик ёрдам ривожланиш даражасини ҳисобга олувчи индивидуаллаштирилган тиббиётни эрта аниқлаш ва оптимал ташкил қилиш тамойилларига индивидуал, беморга йўналтирилган ёндашувларга нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эга хавфли ўсмалар ривожланиши ва авж олишининг экзоген, эндоген предикторлари ассоциациясини текшириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш скринингини ташкил этишни такомиллаштириш, айрим хавфли ўсмаларнинг бирламчи тиббиёт тизимидаги иккиламчи профилактикасининг ташкилий хусусиятлари самарадорлигини оширишни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида сут бези саратони ривожланишининг хавф гуруҳини танлаш мақсадида аёллар орасида оммавий сўровномани ўтказиш, ультратовушли маммография услубини такомиллаштириш ва соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида сут безларида диффуз ва ўчоқли ўзгаришларни ташхислаш аёлларнинг динамик назорат гуруҳини танлаш, аёлларнинг сут безларида аниқланган ўсмаларни босқичма-босқич аниқловчи ташхисот алгоритмини такомиллаштириш ҳамда соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида сут безларини ўз-ўзини текшириш ва ультратовушли маммография орқали сут бези саратонини эрта ташхисот этишнинг ташкилий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Бу борада 2022-2026 йилларга

[1] https://eu-rd-platform.jrc.ec.europa.eu/eurocat/eurocat-data/prevalence_en

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»[2] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш скринингини ташкил этишни такомиллаштирисоғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида айрим хавфли ўсмаларни олдини олиш ва эрта аниқлашнинг ташкилий хусусиятларини яхшилаш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110–сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Президентининг қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги 15 йил ичидаги адабиёт манбаларининг таҳлили сут бези саратони билан касалланиш йил сайин ортиб бораётганлигини ва ушбу патология ҳали ҳам ўтказиб юборилган босқичларда аниқланаётганлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда турли мамлакатларнинг етакчи клиникалари ва онкология марказларида кўплаб тадқиқотчилар томонидан сут безининг хавфли ўсмалари мавжуд бўлган аёлларни ташхислаш, даволаш, реабилитация қилиш ва паллиатив ёрдам кўрсатишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилди. Ўтказилаётган тадқиқотларнинг асосий мақсади - соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида онкологик касалликларни, жумладан СБСни дастлабки босқичларида аниқлашнинг энг инновацион усулларини аниқлашдан иборат. Тадқиқот хавфли касалликларни, патологиянинг ривожланишига ҳисса қўшадиган хавф омилларини олдини

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

олишга ҳамда уларни эрта ташхислаш усулларини такомиллаштиришга, аниқланган беморларни онкологлар томонидан ўз вақтида назоратга олинишига бағишланган. Ушбу йўналишда олиб борилган кичик тадқиқотлар тренингдан сўнг аёллар томонидан сут безларини ўз-ўзини текшириши туфайли нафақат хавфли ўсмаларнинг ўтказиб юборилган шакллари даражаси, балким ўлим ҳолатларининг ҳам камайишини кўрсатди (Б. Т. Мусаев, 1991, А. В. Василевский ва бошқ., 2008, Л. А. Путырский ва бошқ., 2012, А. Д. Каприн ва бошқ., 2016). СБСни эрта ташхислаш усули сифатида ўз-ўзини текшириш ЖССТ талабларига жавоб беради.

Бугунги кунда мамлакатмизда онкологик касалликларни, жумладан сут бези саратонини олдини олиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилаяпти (М.Н.Тилляшайхов, 2022, М.А.Гафур-Ахунов, 2022, Т.М.Палванов, 2023). Бироқ, бугунги кунга қадар, соғлом аёллар орасида сут безини ўз-ўзини текширишдан сўнг ультратовуш текширувини амалга оширишнинг иқтисодий ва худудий мақсадга мувофиқ бўлган усулидан фойдаланган ҳолда сут бези саратонини эрта ташхислаш масалалари ҳанузгача кам ўрганилган.

Шундай қилиб, юқорида айтилганларнинг барчаси СБСни эрта ташхислашда сут безларини ўз-ўзини текшириш ва ультратовуш текширувининг аҳамиятини баҳолаш учун турли ёш гуруҳларидаги аёлларни текширишнинг мақбул йўлини аниқлаш ва ушбу борада илмий асосланган ташкилий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ №000893 «Клиник тиббиётда ультратовуш ташхисотининг замонавий технологиялари ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида ўз-ўзини текшириш ҳамда ультратовуш текширувини қўллаган ҳолда аёллардаги сут бези саратонини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини даражасида сут бези саратони ривожланишининг хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида аёллар ўртасида оммавий сўровномани ўтказиш;

сут безларини ўсмаларини эрта аниқлаш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларни тиббий ходимларини ва скринингда қатнашган аёлларни сут безларини ўз-ўзини текшириш кўникмаларига ўргатиш;

скринингда аниқланган сут безларида диффуз ва ўчоқли ўзгаришлари бор аёлларнинг соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларида ультратовушли текшириш услубини такомиллаштириш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўз-ўзини текшириш ва ултратовуш текширув усулларидан фойдаланган ҳолда сут бези саратонини

эрта ташхислаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 7551 нафар аёлларни соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларида оммавий сўровнома ўтказилган ва сут безларини ўз-ўзини текшириш кўникмаларига ўргатирилган. Сут безида ўзгаришлар аниқланган 741 аёлда қайта кўрик ўтқизилиб, кейинчалик ультратовуш текширувлар амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш текширишлар ташкил этишни такомиллаштириш борасида сўровнома ва амбулатор карталардаги клиник кўриклар натижалари, ва мунтазам кул ранг шкалали ультратовуш текшируви маълумотлари олинган. Натижалар Тошкент шаҳридаги ўрта тоифали ультратовуш аппаратлари билан жиҳозланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида текширилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш текшируви ташкил этишни такомиллаштиришда таҳлилий, ижтимоий, прогностик, клиник-инструментал, лаборатор-функционал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш бирламчи бўғин муассасаларида сут бези саратонини эрта ташхислашда сўровнома ва аёлларнинг ўз-ўзини текшириш усуллар билан ривожланишини эрта ва кеч хавф даражасининг ўрни исботланган;

бирламчи бўғин муассасаларида скрининг текширув натижасида сут бези саратонини дастлабки босқичларда ўз-ўзини текшириш билан ультратовуш текширувларни бирга хавф омилларини прецизионликни хисобига олинишини асословчи тезкор ва самарали эканлиги асосланган;

ультратовушли усулнинг фақат базавий В-тартибида қўллашнинг паст кўрсаткичларида, сут безининг кичик хажмли ўчоқларининг ўлчамларини хавфлилик жараёни тавсифини аниқлаштириш учун допплерография ва соноэластография усулларини қўллаш заруриатининг ўрни исботланган;

сут безининг диффуз ва ўчоқли касалликлари ҳамда саратонини кичик ўлчамларини ташхислашдаги рангли допплер билан қиёсий аспектда, хавфли ўсмалардаги патологик қон айланишини юқори аниқлик билан эрта ташхислашга имкон берувчи SMI фаолиятининг самарадорлиги исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликларининг хавф омилларини аниқлаш бўйича аёллар скринингини жорий этиш ва уларни ўз-ўзини текшириш усулига ўргатиш сут бези ўсма касалликларининг эрта ташхисотининг самарадорлигини оширишга имкони аниқланган;

соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларининг тиббиёт ходимлари ва аёлларнинг ўзлари томонидан сут бези ўсма касалликларини эрта аниқлаш уларни ультратовуш текширувига ўз вақтида юборилишига ҳамда кейинчалик мутахассис (гинеколог ёки онкологлар) томонидан тайинланган

дифференцирланган давони қабул қилишига олиб келган;

тадқиқот доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари УТТ шифокорларини қўшимча ўқитиш, ультратовуш диагностикаси бўйича уларнинг малакасини ошириш ва сут бези патологияларини диагностикасини сифатини яхшилаш имконини берган;

сут безининг ўсма олди касалликларини ўз вақтида ва сифатли ультратовуш диагностикаси сут бези саратони ривожланишининг дастлабки босқичларида ташхислашга ва беморларнинг шифохонада қолиш вақтини қисқартириш билан сифатли аъзони сақловчи жарроҳлик йўли орқали даволашга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши ва тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва амалий тавсиялар соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг муассасалари даражасида сут безининг хавфли ўсмаларини эрта ташхислашни яхшилашга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда аёлларнинг репродуктив аъзоларини соғломлаштириш бўйича юқори сифатли профилактика чораларини амалга оширишга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу патологияни дастлабки босқичларда аниқлашга ва сут бези хавфли ўсмаларининг иккиламчи профилактикасига қаратилган ташкилий чора-тадбирлар алгоритмини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** соғлиқни сақлаш бирламчи бўғин муассасаларида сут бези саратонини эрта ташхислашда сўровнома ва аёлларнинг ўз-ўзини текшириш усуллар билан ривожланишини эрта ва кеч хавф даражасининг ўрни исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали 2023 йил 26 июлдаги 232-Қ-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали 2023 йил 4 июлдаги 61[а]-И-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 8 августдаги 2-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биринчи марта бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларида кўкрак бези саратонини эрта ташхислаш учун ўз-ўзини текширишни ўргатиш, сўнгра ультратовуш текшируви ўтказиш бўйича аёлларни скрининг усули такомиллаштирилганлиги сабабли ташхислаш тартиби яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотда биринчи бор бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларида кўкрак бези саратонини эрта ташхислаш учун ўз-ўзини текширишни ўргатиш, сўнгра

ультратовуш текшируви ўтказиш бўйича аёлларни скрининг усули такомиллаштирилганлиги сабабли ташхислаш тартиби яхшиланган ва давлат бюджетидан сарф харажатларни 15%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* биринчи бор Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида кўкрак бези саратонини эрта ташхислаш учун ўз-ўзини текширишни ўргатиш, сўнгра ультратовуш текшируви ўтказиш бўйича аёлларни скрининг усули такомиллаштирилганлиги сабабли ташхислаш тартиби яхшиланган, давлат бюджетидан сарф харажатларни 15%га иқтисод қилиш ва сут безининг хавфли ўсмалари аниқланиш даражасини 9,8%га яхшилаши туфайли беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

бирламчи бўғин муассасаларида скрининг текширув натижасида сут бези саратонини дастлабки босқичларда ўз-ўзини текшириш билан ультратовуш текширувларни бирга хавф омилларини прецизионликни хисобига олинишини асословчи тезкор ва самарали эканлиги асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали 2023 йил 26 июлдаги 232-Қ-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали 2023 йил 4 июлдаги 61[а]-И-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 8 июлидаги 2-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биринчи бор соғлиқни сақлаш бирламчи бўғим муассасаларида турли ўлчам ва морфологияли ўсмаларни, шунингдек касалликнинг дастлабки босқичларидаги сут бези саратонини хавф гуруҳларини аниқлаш учун ультратовуш текшируви билан биргаликда ўз-ўзини текшириш усулини қўллаш самарадорлиги исботланганлиги сабабли беморларда юзага келиши мумкин бўлган диагностик хатоларнинг олдини олиш ва беморларда рухий зўриқишни камайтириш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* соғлиқни сақлаш бирламчи бўғим муассасаларида турли ўлчам ва морфологияли ўсмаларни, шунингдек касалликнинг дастлабки босқичларидаги сут бези саратонини хавф гуруҳларини аниқлаш учун ультратовуш текшируви билан биргаликда ўз-ўзини текшириш усулини қўллаш самарадорлиги исботланганлиги сабабли беморларда юзага келиши мумкин бўлган диагностик хатоларнинг олдини олиш ва беморларда рухий зўриқишни камайтириш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни 20%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* соғлиқни сақлаш бирламчи бўғим муассасаларида турли ўлчам ва морфологияли ўсмаларни, шунингдек касалликнинг дастлабки босқичларидаги сут бези саратонини хавф гуруҳларини аниқлаш учун ультратовуш текшируви билан биргаликда ўз-ўзини текшириш усулини қўллаш самарадорлиги исботланганлиги сабабли беморларда юзага келиши мумкин бўлган диагностик хатоларнинг олдини олиш сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни беморни 1 курс даволашда 20%га иқтисод қилишга, беморларда рухий зўриқишни камайтириш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

ультратовушли усулнинг фақат базавий В-тартибида қўллашнинг паст

кўрсаткичларида, сут безининг кичик хажмли ўчоқларининг ўлчамларини хавфлилик жараёни тавсифини аниқлаштириш учун допплерография ва соноэластография усулларини қўллаш заруриатининг ўрни исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали 2023 йил 26 июлдаги 232-Қ-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали 2023 йил 4 июлдаги 61$^{а}$-И-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 8 августдаги 2-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ультратовушли усулнинг фақат базавий В-тартибида қўллашнинг паст кўрсаткичларида, сут безидаги кичик ўчоқларнинг ҳажмини ва хавфли жараённинг хусусиятларини аниқлаштириш учун допплерография ва соноэластография усулларидан фойдаланиш зарурлиги исботланганлиги натижасида беморларда ўсма олди касалликларини ва касалликни хавфлилик даражасини эрта босқичларда аниқлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* биринчи марта ультратовушли усулнинг фақат базавий В-тартибида қўллашнинг паст кўрсаткичларида, сут безидаги кичик ўчоқларнинг ҳажмини ва хавфли жараённинг хусусиятларини аниқлаштириш учун допплерография ва соноэластография усулларидан фойдаланиш зарурлиги исботланганлиги натижасида беморларда ўсма олди касалликларини ва касалликни хавфлилик даражасини эрта босқичларда аниқлаш имконини бериши ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,1 мартага камайтириш имконини берди. *Хулоса:* тавсия этилган ультратовушли усулнинг фақат базавий В-тартибида қўллашнинг паст кўрсаткичларида, сут безидаги кичик ўчоқларнинг ҳажмини ва хавфли жараённинг хусусиятларини аниқлаштириш учун допплерография ва соноэластография усулларидан фойдаланиш зарурлиги исботланганлиги натижасида беморларда ўсма олди касалликларини ва касалликни хавфлилик даражасини эрта босқичларда аниқлаш имконини бериши ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,1 мартага камайтириш ва стационар беморларда ётоқ кунларини 1-2 кунга қисқартириш имконини берган.

сут безининг диффуз ва ўчоқли касалликлари ҳамда саратонини кичик ўлчамларини ташхислашдаги рангли допплер билан қиёсий аспектда, хавфли ўсмалардаги патологик қон айланишини юқори аниқлик билан эрта ташхислашга имкон берувчи SMI фаолиятининг самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали 2023 йил 26 июлдаги 232-Қ-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали 2023 йил 4 июлдаги 61$^{а}$-И-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 8 августдаги 2-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биринчи марта сут безининг диффуз ва ўчоқли касалликларини, шунингдек кичик ўлчамли сут бези саратонини ташхислашда рангли допплер ёрдамида хавфсиз ва хавфли ўсмаларни фарқлаш имконини

берадиган, хавфли ўсмалардаги патологик қон айланишини юқори аниқлик билан эрта ташхислашга имкон берувчи SMI фаолиятининг самарадорлиги исботланганлиги ушбу усулни тадқиқот усули сифатида қўллаш мумкинлиги тасдиқланди ва беморларда хавфли ўсмаларни эрта босқичларда ташхислаш ва аъзо сақловчи амалиётларни танлаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* сут безининг диффуз ва ўчоқли касалликларини, шунингдек кичик ўлчамли сут бези саратонини ташхислашда рангли допплер ёрдамида хавфсиз ва хавфли ўсмаларни фарқлаш имконини берадиган, хавфли ўсмалардаги патологик қон айланишини юқори аниқлик билан эрта ташхислашга имкон берувчи SMI фаолиятининг самарадорлиги исботланганлиги ушбу усулни тадқиқот усули сифатида қўллаш мумкинлиги тасдиқланди ва беморларда хавфли ўсмаларни эрта босқичларда ташхислаш ва аъзо сақловчи амалиётларни танлаш орқали иқтисодий харажатларни 22%га камайтириш имконини берди. *Хулоса:* тавсия этилган сут безининг диффуз ва ўчоқли касалликларини, шунингдек кичик ўлчамли сут бези саратонини ташхислашда рангли допплер ёрдамида хавфсиз ва хавфли ўсмаларни фарқлаш имконини берадиган, хавфли ўсмалардаги патологик қон айланишини юқори аниқлик билан эрта ташхислашга имкон берувчи SMI фаолиятининг самарадорлиги исботланганлиги ушбу усулни тадқиқот усули сифатида қўллаш мумкинлиги тасдиқланди ва беморларда хавфли ўсмаларни эрта босқичларда ташхислаш ва аъзо сақловчи амалиётларни танлаш орқали иқтисодий харажатларни 22%га камайтириш ва стационар беморлар шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш, аъзо сақловчи амалиётларни ўтказиш имконини берган.

Д.С.Бабахsecurityнинг «**Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида сут бези касалликлари ультратовуш скринингини ташкил этишни такомиллаштириш**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024-йилдаги 29-августдаги 02-03/391-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 3 та, жумладан, 2 та республика ва 1 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, хотима, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва уларнинг амалиётга жорий қилингани тўғрисида, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сут безлари касалликларини скрининги ва ултратовуш текширувини ташкил этишнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сут безлари патологияларини ультратовуш ташхисоти бўйича хорижий ва махаллий илмий манбалар таҳлил қилинган. Сут безларининг хавфсиз ўсмалари эрта ташхислаш ва уни олдини олишда скрининг назорати ва интрементал ташхислашнинг муаммолари, мастопатияни турли шаклларининг ташхисоти ва дифференцировкасига бўлган қизиқиш, кўплаб муаллифларнинг фикрига кўра, мастопатия сут безлари саратони ривожланишида фон касаллиги эканлиги билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Ультратовуш текшируви пайтида патологик ўзгаришлар зичлиги сут бези атрофидаги тўқималарнинг фон зичлигидан юқори бўлган, инфильтратив турдаги ўсиш белгилари ва паст эхогенлик билан ажралиб турадиган ҳажмли ҳосилалар мавжуд бўлганида аниқланади. Сут бези саратонини қиёсий ташхисот этиш учун сут бези ўсмаларини комплекс скрининг қилиш алгоритмига мультипараметрик УТТни киритиш рентгенологик усулнинг камчиликларини камайтириш ҳамда 40 ёшгача бўлган аёлларда безларни янада тўлиқ текширувини амалга ошириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Сут бези касалликларини ультратовуш текширувини ташкил этишни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобининг асосини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларида – Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаси (№9) ва Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Тошкент вилоятининг Тошкент ва Зангиота туманлари кўп тармоқли поликлиникалари шароитида аёлларни кенг қамровли клиник, лаборатор ва инструментал текширув натижалари ташкил этади. СБ патологиясини аниқлаш учун скрининг пайтида шикоятлар ва анамнез тўпланиб, сўровнома тўлдирилди, аёлларнинг клиник текшируви ҳамда кўрсатма бўйича сут безларининг ультратовуш текшируви ўтказилди. Тадқиқот иши Абу Али ибн Сино номидаги Тошкент шаҳар 1-сон шифохонасининг радиология бўлими негизида олиб борилди.

Тадқиқот баённомаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касб малакасини ривожлантириш маркази томонидан кўриб чиқилди ва тасдиқланди (2022 йил 2 февралдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси, 2022 йил 23 февралдаги 12-сонли йиғилиш баённомаси).

3 йил (2019-2022-йиллар) давомида ўтказилган скрининг текширувида

18-97 ёшдаги 7551 нафар аёл иштирок этди. Тадқиқот Тошкент вилоятидаги (6016 нафар аёл) ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим туманларидаги (1535 нафар аёл) шаҳар ва туман марказий туман кўп тармоқли поликлиникалари (ШМКТП/ТМКТП), шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари (ШОП/ҚОП) ҳамда оилавий врачлик пунктларида (ОШП) олиб борилди.

Тошкент вилоятида скрининг текширувидан ўтган аёлларнинг энг катта қисмини Чирчиқ (821 нафар аёл), Ангрен (318 нафар аёл) ва Олмалиқ шаҳарларида (323 нафар аёл) яшовчи аёллар, туманлар кесимида эса Чиноз (286 нафар аёл), Қибрай (432 нафар аёл) ва Зангиота (823 нафар аёл) туманларида истеъқомат қилувчи аёллар ташкил этди (1 расм).




**1-расм. Текширилувчиларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши.**

Диаграммадан кўриниб турибдики, скрининг давомида аёлларнинг энг кўп сони 45-59 ёш гуруҳида (39,2%) ҳамда 60-74 ёш гуруҳида (34,1%) бўлган. Ёшлар орасида, яъни 18-44 ёшда - 24,10%ни ва қариликда - 2,40% ни ташкил этган.

Сут безларини ультратовуш текшируви Тошкент вилоятидаги ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим туманларидаги шаҳар ва туман марказий туман кўп тармоқли поликлиникалари (ШМКТП/ТМКТП), шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари (ШОП/ҚОП) ҳамда оилавий врачлик пунктларида (ОШП) чизиқли датчиги 7-12 МГц частотага эга «MINDRAY DS 60-64» ўрта синфдаги ультратовуш аппаратлари ёрдамида амалга оширилди. Ультратовуш текширувини ўтказиш методикаси махсус тайёргарликни талаб этмаган. Тасвир имкон қадар аниқ бўлиши учун сут безларининг УТТни кўпинча ҳайз циклининг 5-10 кунида ўтказиш тавсия этилган.

Ультратовуш текшируви кулранг шкалали В режимида ўтказилди; ультратовуш самарадорлигини ошириш учун сут безларини визуализация қилишнинг янги усули - радиал оқимли эхография (РОЭ) қўлланилди, 741 нафар аёлга ушбу датчик сут бези каналлари бўйлаб 12 соатга жойлаштирилди

ҳамда бутун сут бези соат стрелкаси йўналиши бўйича узлуксиз ҳаракат билан сканердан ўтказилди. УТТ маълумотлари электрон маълумотлар базасига киритилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, BI-RADS тизимининг 4a, 4b, 4c ва 5 тоифаларига кирувчи ҳосилалар аниқланганда, ултратовуш текшируви остида кейинги гистологик текширув, зарурат бўлганида эса иммуногистокимёвий текширув билан трепан-биопсия ўтказилди.

СБС аниқланганда, беморлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг (РИО ва РИАТМ) Тошкент вилоят ва шаҳар филиалларида даволанган. BI-RADS 3 тоифасига мос келадиган ўзгаришлар аниқланганда, мониторинг 3-6 ой оралиғида амалга оширилди. BI-RADS 2 тоифаси тасдиқланган ва зиддийлашган онкологик анамнез мавжуд бўлмаган тақдирда, 6-12 ойдан кейин динамик назорат олиб борилган.

Рангли допплер карталашда (РДК) ва энергетик допплер карталашда (ЭДК) СБ ҳосилаларининг васкуляризацияси қон оқими локусларининг сони бўйича баҳоланди: унинг йўқлиги (аваскуляр тип); 3 тагача қон оқими локусларининг мавжудлиги (гиповаскуляр тип); 3 тадан ортиқ қон оқими локусларининг мавжудлиги (гиперваскуляр тип). Шунингдек, қон оқими локусларининг локализацияси ҳам баҳоланди: перинодуляр; интранодуляр; аралаш.

Тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилиш таҳлил этиладиган маълумотлар турига (миқдорий ва сифат), узлуксиз миқдорий кўрсаткичларнинг танламали тақсимотларнинг назарий Гаусс тақсимотига яқинлигига (Колмогоров-Смирнов ва Шапиро-Уилк мезонлари бўйича таҳлил қилиш, тақсимот гистограммаларини таҳлил қилиш) мувофиқ параметрик ва нопараметрик статистика усулларидан фойдаланишга асосланган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мос келган.

Умуман олганда, уч йиллик давр мобайнида (2019-2022-йиллар) ўтказилган скрининг текшируви давомида 18-97 ёшдаги 7551 нафар аёл текширилди, ўртача ёш 60 ёшни ташкил этди. Ўтказилган барча тадқиқотлар бўйича ультратовуш ташхисоти ва қиёсий ташхис учун зарур параметрларни батафсил баён қилувчи протоколлар тузилди.

Диссертациянинг «**Соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини муассасаларида сут безлари патологиясини аниқлаш учун анкета сўрови, ўз-ўзини текшириш ўтказишнинг услубий ва ташкилий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида сут безлари патологияси бўйича анкета сўрови, ўз-ўзини текшириш ва ультратовуш текшируви натижаларининг таҳлили ўтказилган.

Биринчи босқичда оилавий шифокорлар, доялар ва патронаж ҳамширалари сут бези патологиясининг хавф омилларини аниқлаш мақсадида анамнезни малакали йиғиш методикаси бўйича ўқитилди. Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт ходимларига сут безларини умумий клиник кўрикдан ўтказиш ва пальпация қилиш ўргатилди. Кейинчалик, улар аёллардаги патологияни эрта аниқлаш учун уларни ҳар ой сут безларини ўз-

ўзини текширишга ўргатишлари керак эди. Текширув пайтида аёллар репродуктив тизим касалликларининг хавф омилларини аниқлаш учун сўровномани тўлдиришди.

Иккинчи босқичда олинган натижалар таҳлил қилиниб, аёллар қайта кўрикдан ўтказилди. Учинчи босқичда сут безлари патологияси мавжуд бўлган аёллар ташхисни аниқлаштириш учун ультратовуш текширувига юборилди, сўнгра уларга гинеколог ва керак бўлганда онколог маслаҳати ўтказилди. 3 йил давомида (2019-2022-йиллар) 18 ёшдан 96 ёшгача бўлган 7551 нафар аёл сут бези патологиясининг хавф омилларини аниқлаш учун стандарт сўровномани тўлдириш орқали текширилди (текшириш гуруҳидаги ўртача ёш - 60 ёшни ташкил этди). Сўровнома сут безларида оғриқ, ажралмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳайз цикли ва ҳомиладорлик билан боғлиқлиги ҳақида асосий саволларни ўз ичига олган. Оилавий анамнезда онкологик касалликларнинг мавжудлиги, гормонал терапиянинг қўлланилиши аниқланган. Сўров натижаларига кўра, эрта ҳайз кўриш, кеч менопауза, постменопаузал семизлик ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш каби хавф омилларининг мавжудлиги баҳоланди. Сут бези саратони билан оғриган қон қариндошлари бўлган, ёши 35 ёшдан ошганда биринчи фарзандини дунёга келтирган аёлларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бачадон найлари ва тухумдонлар касалликлари аёлларнинг 24,4 фоизида ва сут безлари касалликларида 2 баробар кўп - 55,4 фоизда аниқланган. Кейинги умумий соматик касалликлар гуруҳи - семизлик, артериал гипертония, қандли диабет ҳам хавф омиллари сифатида кўриб чиқилди, текширилган гуруҳлар орасида бундай касалликлар 11,7% ни ташкил этди.

Сут безлари ўсмаларининг ўсишини дастлабки босқичларида эрта ташхислаш учун энг мақбул усул аёллар томонидан сут безларини ўз-ўзини текшириш ҳисобланади. Ҳар бир аёл ҳар ой ойна олдида безларни ўз-ўзини текширишни билиши керак. Адабиётларга кўра, сут безларида патологияни эрта аниқлаш учун ўз-ўзини текшириш энг самарали ҳисобланади (Путырский Л.А). Ушбу усулга доялар туғиш ёшидаги аёлларни ҳар йили ўтказиладиган текширув пайтида оилавий шифокор пунктларида, аёлларни поликлиникадаги қабули пайтида ёки уйига борганда ўргатиши керак (2 расм).

Мазкур усул қулайлиги туфайли мақбул бўлиб, усулнинг самарадорлиги аёлларнинг ушбу техникани бажариш сифатига боғлиқ.

Биз Тошкент вилоятидаги 16 та марказий кўп тармоқли поликлиникалар, 34 та қишлоқ оилавий поликлиникалари ва 22 та оилавий врачлик пунктлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 12 та марказий кўп тармоқли поликлиникалардаги оилавий шифокорлар, доялар ва патронаж ҳамшираларини ўқитдик. Сўнгра мазкур муассасаларнинг тиббиёт ходимлари билан биргаликда аёлларга сут безларини ўз-ўзини текшириш ва пальпация қилиш маҳоратини намойиш этиш ҳамда буклетлар тарқатиш орқали ўқув машғулотлари ўтказилди.

Барча аёлларга ойига бир марта, ҳайз цикли тугаганидан кейин 8-12 кунда сут безларини босқичма-босқич текшириш тавсия этилди. Бунинг учун кўзгу олдида турган аёл СБни соат стрелкаси йўналиши бўйича пайпаслайди, сўрғич-ареоляр зонасини ва ҳар бир безнинг ҳолатини баҳолайди. Бундан

ташқари, улар безнинг терисидаги ўзгаришларга ва деформациянинг мавжудлигига эътибор беришлари керак.




**2-расм. Сут безлари патологияси бўлган беморларда учрайдиган ёндош касалликлар**

Текширувдан ўтказилган 7551 нафар аёлнинг 973 нафарида (12,9%) сут безлари патологиясининг қуйидаги симптомлари: сут безлари ҳажмининг катталашуви, тери ва тери ости ёғининг умумий зичлашуви, маҳаллий ҳароратнинг мавжудлиги, сут безларининг диффуз зичлашуви, безларда ҳайз олдидан кучаядиган оғриқнинг мавжудлиги, пайпаслашда сут безлари тўқималарида пальпацияда оғрийдиган тугунли ҳосилалар, сўрғичнинг ўзгариши ва деформацияси аниқланган.

Сут безларидаги ҳосилалар узоқ вақт давомида мавжуд бўлган, аммо аёллар ўзларининг оилавий шифокорлари ёки гинекологларига мурожаат қилишмаганлиги эътиборга лойиқ. Ушбу аёлларнинг барчаси гинекологга ва кейинги ультратовуш текширувига юборилди.

Диссертациянинг «**Сут безларининг ўсма олди ва саратон касалликларини ультратовуш текшируви**» деб номланган тўртинчи бобида сут бези патологиясининг скрининг текширув натижаларининг таҳлили ўтказилган.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг оилавий шифокорлари билан ҳамкорликда ўтказилган кўрикда сут безларида патология аниқланган пайтда уларни ультратовуш текширувига ва гинеколог маслаҳатига юбориш тавсия этилди.

Тошкент шаҳридаги Шайхонтохур, Юнусобод, Чилонзор ва Олмазор туманларидаги марказий туман кўп тармоқли поликлиникаларида УТТ шифокорларининг ўзи ультратовуш текширувини амалга оширишди. Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларидаги марказий кўп тармоқли поликлиникаларида ультратовуш текшируви ўтказилди. 7551 нафар аёл иштирок этган скрининг натижаларига кўра, текширув вақтида 973 нафар (12,9 фоиз) аёлнинг сут безларида ўзгаришлар аниқланганлиги сабабли улар

ультратовуш текширувига юборилган. Ультратовуш текширувининг натижаларини таҳлили 741 нафар (76,2%) аёлнинг сут безларида патология аниқланганлигини кўрсатди (1жадвал).

**1-жадвал**

**Сут безларининг аниқланган яллиғланишли ва ўсма табиатига хос бўлмаган касалликлари**

| Сут безларининг касалликлари | Жами | Клиник симптомлар билан | | Клиник симптомларсиз | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Сони | Сони | % | Сони | % |
| Сурункали мастит | 55 | 34 | 61,8 | 21 | 38,2 |
| Фиброз-кистоз мастопатия: | 511 | 297 | 58,1 | 214 | 41,9 |
| диффуз шакли | 485 | 281 | 57,9 | 204 | 42,1 |
| тугунли шакли | 26 | 16 | 61,5 | 10 | 38,5 |
| Жами | 566 | 331 | 58,5 | 235 | 41,5 |

Ультратовуш текширувидан ўтган аёлларнинг 55 нафарида сурункали мастит аниқланган бўлиб, уларнинг 61,8 фоизида клиник кўринишлари мавжуд бўлган, 38,2 фоизида эса клиник кўринишлари кузатилмаган (3 расм).




**3-расм. Аёл П. 39 ёшда. Сурункали мастит. УТТ тасвири силлиқланган, сут йўллари кенгайган, инфильтратнинг аниқ чегараланган ҳудуди кўринади, эхогенлиги пасайган**

Чизиқли датчикка эга аппаратда ўтказилган ультратовуш ташхисоти пайтида сурункали яллиғланиш жараёнлари хавфсиз табиатга эга бўлиб, кўкрак қафасидаги оғриқ зўриқиш сезгиси, пайпаслланганда қаттиқлашув ва сенсор сезувчанликнинг ошиши билан кечган. Клиник белгилари мавжуд бўлган сероз мастит учун безнинг дифференциал тузилмаларини силлиқлашуви, сут йўлларининг кенгайиши, шунингдек, тери ва тери ости тўқималарининг қалинлашуви хос бўлган. Бездаги инфильтрат эхогенлиги паст, чегараси аниқ бўлган ҳудудга ўхшаган, жараён ривожланганда эса “асалари уялари” тасвири юзага келган.

Кузатишларимизга кўра, текширилган аёллар орасида фиброз-кистоз мастопатия энг кўп учраган ва 511 нафар аёлда (%) аниқланган (4 расм).



**4-расм. Аёл Р. 35 ёшда. Фиброз-кистоз мастопатия. Сут безларининг бириктирувчи тўқималари элементларида кучайган фиброз кўринишидаги диффуз/тугунли шакл типида хавфсиз дисгормонал жараённинг намоён бўлиши сифатида кузатилган яхши сифатли ўзгаришлар. Типик кистанинг эхографик белгилари**

94,9% ҳолларда у диффуз шаклда ва фақатгина 5,1% ҳолларда тугун шаклида бўлган.

59 нафар аёлда фиброаденома ультратовуш текшируви билан ташхисот этилган.

Биз аниқлаган цистоаденома (18 нафар бемор) муайян шаклга эга эмас, қирралари нотекис эди, баъзиларида кўп сонли кальцинат ўчоқлари мавжуд бўлиб, РДК режимида ўчоқлар атрофида ва ичида васкуляризация кучайган эди. 88,9% ҳолларда цистоаденома сут безларида оғриқ билан, икки нафар аёлда эса белгиларсиз кечган. Ташхисни янада аниқлаштириш учун ушбу аёллар дуктографияга юборилди, қайсиким цистоаденомани ташхислашнинг самарали усули ҳисобланади (2-жадвал) .

**2-жадвал**

**Сут безларининг УТТ ёрдамида аниқланган ўсмага ўхшаш касалликлари**

| Ўсмасимон ҳосилалар | Жами | Клиник симптомлар билан | | Клиник симптомларсиз | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Сони | % | Сони | % |
| Фиброаденома | 59 | 56 | 94,9 | 3 | 5,1 |
| Цистоаденома | 18 | 16 | 88,9 | 2 | 11,1 |
| Оқим ичидаги папиллома | 3 | 3 | 100 | 0 | |
| Сут бези липомаси | 15 | 14 | 93,3 | 1 | 6,7 |
| Жами | 95 | 89 | | 6 | |

3 нафар аёлда ультратовуш текшируви билан сут безларининг кенгайган асосий сут йўллари ва учинчи тартибли лактоворларда жойлашган интрадуктал папиллома ташхисот этилган. Ультратовуш текширувида папиллома цилиндрик эпителийдан ташкил топган оқим шиллиқ қаватидан

чиқадиган 4-5 мм гача бўлган гомоген қаттиқ ҳосилалар сифатида кўринади.

Ўз-ўзини текшириш пайтида ва оилавий шифокор кўригидан сўнг, сут безларининг липомаси аниқланиб, ультратовуш текширувида 15 нафар аёлда (15,8%) ташхисот этилган.

Текширувдан ўтган аёллар орасида 12,9% ҳолларда сут безларининг патологияси аниқланган бўлиб, уларнинг табиати айрим ҳолларда кейинги ташхисот ўтказилишини талаб этди. Ультратовуш ташхисоти сут безларининг клиник белгиларисиз кечаётган патологияси ҳолатларини аниқлашга имкон берди, қайсиким келгусида нафақат саратон олди касалликларини аниқлаш, балки сут бези саратонини эрта ташхисот этиш имконини беради.

Мунтазам ультратовуш текширувидан сўнг 80 нафар аёлда (1,05%) контурлари аниқ, нотекис бўлган ҳамда гетероген тузилишга эга ҳосилалар қайд этилган, уларнинг баъзиларида РДК режими ёрдамида қон оқими аниқланган. Текширувдан ўтган беморларнинг ёши 19-70 ёш, ўртача ёши 47 ёшни ташкил этган. Сут безларида ҳосилалари мавжуд бўлган деярли барча аниқланган беморлар текширувдан олдин сут безларига шикоят билан яшаш жойидаги поликлиникага мурожаат этишмаган. Сут безларида хавфли ўсмаларга шубҳа қилинган барча аёллар маммографияга юборилди.

Сут безларида ўсмаси бўлган 80 нафар аёлнинг 68 нафарида (85%) клиник симптомлар билан кечаётган сут бези саратони, 12 нафарида (15%) эса сут бези саратонининг белгиларсиз шакли аниқланган.

Сут безларидаги ўсманинг локализацияси бўйича маълумотларнинг таҳлили ўсманинг ўнг ва чап сут безида деярли бир хил даражада жойлашганлигини кўрсатди.




